Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 11 (3512)
ЖУМА
13 ЯНВАРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 12 январь куни Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов Монголия Халқ Республикасининг Тошкентдаги бош консули Цэвээний Цэрен-Очирни қабул қилди.

МХР бош консули СССР ҳукумати уни тайинланганлигини тасдиқловчи экзекватураси — рухсатномасини министрга тақдим этди. Қабул қилинган ахдномага мувофиқ, Тошкентдаги МХР бош консулхонасининг округига Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ССР-нинг айрим областлари, шунингдек РСФСРнинг бир қанча областлари киради.

● 1978 йил 11 январь куни Москва вақти билан соат 17 дан 06 минут ўтганда «Союз—27» космик кемаси учувчи бошқараётган «Салют—6» — «Союз—26» орбитал комплекси билан туташтирилди.

Космонавтика тарихида биринчи марта Ер атрофи орбитасида орбитал станция ва икки космик кемадан иборат учувчи бошқарадиган илмий-тадқиқот комплекси вужудга келтирилди. Комплекс бортида тўрт совет космонавти — Ю. В. Романенко, Г. М. Гречко, В. А. Жонибеков ва О. Г. Макаров ишламоқдалар.

Кеча космонавтлар биологик тадқиқотлар программасига мувофиқ «Цитос» экспериментини бажаришга киришдилар.

КОСМОСГА ПАРВОЗ
ТОШКЕНТДА БОШЛАНГАН ЭДИ

«Союз—27» космик кемасининг командири подполковник Владимир Александрович ЖОНИБЕКОВнинг шаҳримизда кечирган ҳаёти ва ўқиши тўғрисидаги ҳикояни уни яхши билган кишилар олиб боришади.

Шу куннинг интервьюси

БОРИС СОЛОМОНОВИЧ ШНЕЙВАЙС, 50-мактаб математика ўқитувчиси.

—Тошкентдаги Суворов номли билим юртига ўша қабулни яхши эслайман. Чунки бизга келган ўсмирлар 1942 йилда, урушнинг ўша оғир йилларида туғилган болалар эди.

Мен уларнинг ҳар бири чеҳрасига диққат билан разм соламан. Улар бир неча йил менинг ўқувчиларим бўлишган. Володя Жонибеков билан танишган ўша дастлабки кун ҳам яхши эсимда қолган. У бўйдор, қадди-қомати келишган йигитча эди. Лекин энг аввало, ундаги бошқа бир жиҳат: диққат билан боқадиган, қандайдир болаларга хос бўлмаган жиддий кўзлари айниқса эсимда қолган. Кейинчалик билдимки, Володянинг урушдан кейинги болалик йиллари енгил ўтмаган экан. Лекин яна бир нарсага ишонч ҳосил қилдим: у чинакамига самимий кула билар, бу кулгуси бошқаларга ҳам «юқарди».

Дастлабки машғулотлардан бошлабоқ Володя жуда ўйчанлиги, менинг фаним—математикага ижодий муносабати билан қалбимга чуқур таъсир этди. Бўлажак космонавт билим юртини аъло тугаллади.

Кичик бир қишлоқда дунёга келган ва дастлабки маълумотни ўша ерда олган ўспирин шунчалик аъло ўқиш учун билим ва кучни қаердан олди экан? Агар унда ҳозир космонавт-дўстлари таъкидлашаётган и д е к, унинг характерида мисли кўрилмаган кунт-сабот хислати бўлмаганда эди, унинг муваффақиятлари бунчалик ажойиб бўлмаган бўларди.

Ишга ана шундай ижодий ёндошиш ҳамма вақт Жонибеков учун характерли эди. Унинг характеридаги яна бир хусусият — камтарликни қайд этмасдан бўлмайди. Уялиб-тортиниб туриш эмас, йўқ, балки ҳақиқий камтарлик, ўзининг муваффақиятларида бошқалар меҳнатини кўра билиш хислати эди.

ГЕННАДИЙ ИВАНОВИЧ КАЛЕТКИН, самбо бўйича Ўзбекистон терма командасининг катта тренери.

— Биз Владимир Жонибеков билан Тошкентда бирга ўқиганмиз. Бир командада, тўғрироғи, бир хилдаги командада ўйнаганмиз. Володя синғари мени ҳам баскетбол, волейбол, футбол бирдек қизиқтирар эди. Умуман ҳар томонлама спортчи бўлган Жонибеков спортнинг оммавий турларига (фақат штангадан ташқари) алоҳида иштиёқманд эди. Фақат аъло назарий тайёргарлик маъносидагина эмас, балки жисмоний тайёргарлик маъносида ҳам Тошкент космонавт учун ўзига хос «трамплин» бўлди.

Бинобарин спорт бўлажак космонавтдаги яна бир хислатни ёркин намоён қилди. Бу хислат ўз намунаси билан бошқаларни эргаштира билишдир. Парашютдан сакрашда ҳам, радио спорти билан шуғулланганда ҳам шундай бўлди. Бизда ана шу иштиёқлар бир неча йилгина «ҳукм сурган» бўлса, Жонибеков уларга умрбод содиқ қолди.

Юрий Гагарин парвозига бир неча йил қолганда, турган гапки, Владимир ўзини нималарга тайёрлаётганини билган экан!

Ҳозир космонавтнинг курсдош дўстлари, ҳаммамизнинг, барча тошкентликларнинг қалбини космосга парвози бизнинг шаҳримиздан бошланган киши учун тўла фахрланиш ҳиссиётларини қамраб олган.

Суҳбатни
Ю. КАЗАЧЕНКО
ёзиб олди.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ— СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА!

ТРЕСТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

28-қурилиш бошқармасининг коллективи пардозлаш трестидаги қурилиш ташкилотлари ўртасида биринчи бўлиб Петр Савчук бошлиқ пардозчилар, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Римма Полиевтова бошлиқ бўёқчилар, Владимир Спивак бошлиқ сувоқчилар бригадаларининг азаматлари бошлаб беришди. Бу коллективлар юбилей йилининг ўзидагина ўнлаб биноларни сифатли пардозлаш ишларини социалистик мажбурият қабул қилди. Бошқармада бу ватанпарварлик ташаббусини

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Жонбозлик кўрсатиб

КПСС XXV съезди ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифасини белгилаб берди. У ҳам бўлса сифат ва самарадорликка эришишдир. Бунга ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси янги техника ва технологияни кенг жорий этиш, ички резервлардан унумли фойдаланиш, янги асбоб-ускуналарни ўрнатиш, мусобақани жонлантириш, илғор иш усулларидан, вақтдан, ҳом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш туфайли эришиши мумкин. Бу борада республика Автомобиль йўллари қурилиши ва эксплуатацияси министрлиги 1977 йил давомида бир қатор комплекс тадбирларни амалга ошира бориб, сезиларли ютуққа эришди. Республика йўлсозларига фан ва техника янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишда, техник, методик ва ташкилий ишларда «Узоргтехдорстрой» трести коллективи яқиндан ёрдам берди. Айниқса, трест коллективи янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишда жонбозлик кўрсатди. Жумладан, бу трест коллективининг ёрдами билан Зомин йўл қурилиши-ремонти бошқармасида ва Фарғонадаги 7-йўл қурилиши бошқармасида «ДС-126» автомат бошқарув системали иккита асфальт ётқизгич ўрнатилди. Шунингдек, бир қатор объектларда, жумладан «Ўздорстройиндустрия», «Ўлмосстройтрест», область йўл қурилиш бошқармасининг базаларида электр жиҳозларини профилактик жиҳатдан синаш ишлари ўтказилди. Ана шундай ишлар жами 20 та яқин базада олиб борилди. Бундан ташқари транспортлар ҳаракатининг тезлигини ўлчайдиган 20 та автомат счётчик ишга туширилди. Йўл хўжаликларида «Гранит» типидаги радиостанцияларни ўрнатиш ҳам кенг кўламда олиб борилаяпти. Ҳозирда 26 пунктда ана шундай радиостанция ўрнатилди.

Бу техника янгиликларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши иш сифатини яхшилашга ва самарадорликни оширишга яқиндан ёрдам бермоқда. Трест коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳам катта ҳажмдаги комплекс тадбирлар планини амалга оширишни мўлжалламоқда.

М. ФЕЛЬДМАН,
«Узоргтехдорстрой» трестининг стандартлаштириш, метрология, аттестация ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ — СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА!

КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

Партиямиз XXV съездида қилган Ҳисобот докладида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: «Биз сифат проблемасини жуда кенг маънода тушунамиз. Бу проблема хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади. Юқори сифат деганда меҳнатни ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини кўпайтириш, пировард натижада жамият аҳтиёжларини яхшироқ, янада тўлароқ қондириш маъносини тушунмоқ керак. Шу боисдан ҳам планлаштириш ва бошқаришнинг бутун механизми, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бутун системаси, инженерлар ва конструкторларни н г куч-ғайратлари, ишчиларнинг маҳорати маҳсулот сифатини оширишга қаратилиши лозур». Корхонамизда съезд кўрсатмаларини изчил ва бекаму кўст адо этиш учун кураш қизғин бормоқда.

Лоақал ўз цехимизни олиб кўрайлик. Механика цехимизда бутун куч ва имконият съезд режаларини муваффақиятли адо этишга сафарбар этилмоқда. Ҳар қачонгидек бу курашда коммунистлар етакчилик ролини ўйнашяпти.

СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигига беш йилликнинг уч йиллик планини адо этиш учун бошланган умумхалқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бу социалистик мусобақадан бизнинг участкамиз коллективи ҳам четда қолгани йўқ. Биз биринчилар қаторида бу ҳаракатга қўшилдик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган Тошкент шаҳри илғор саноат корхоналари, цех, участка ва сменалари коллективларининг ватанпарварлик ташаббуси тобора кенг қулоч ёйиб бормоқда.

Цехимизнинг 60 дан зиёд ишчи-хизматчиси ҳар бир иш дақиқасидан унумли фойдаланиб, йил бошиданоқ зардорона меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йилнинг 4 кварталида корхонада пешқадамликни қўлга киритган участкамиз коллективи янги йилнинг дастлабки ойида ҳам илғорликка интилмоқда. Шунингдек, катта мастер А. Шегай бошчилик қилаётган участка коллективи ҳам ўзаро социалистик мусобақада яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Участкамиз коллективи зиммага олинган аҳдга эраша меҳнат қилаверади.

Г. РУСАКОВ,
агрегат заводи участка бошлиғи.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ҲАЙТЛАР

• Элга хизмат — олий ҳиммат

НУРАФШОН ШАҲАР

Ўтган йили Ватанимизнинг ички ва ташқи ҳаётида катта тарихий воқеалар юз берди. Бутун совет халқи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини зўр тантана билан нишонлади. Шу йили Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг янги Конституцияси қабул қилинди. Ана шу унутилмас тарихий воқеаларни республикамиз, шу жумладан пойтахт энергетиклари муносиб кутиб олдилар.

Бутун 60 йил давомида Коммунистик партия ва Совет давлатининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли электрлаштириш СССРда юксак кўрсаткичлар билан ривожланиб келмоқда. 1975 йилда мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичга эришилди — йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш 1 триллион киловатт-соатдан ошиб кетди. Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш 530 марта кўпайди.

Ўнинчи беш йилликда республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрини электрлаштириш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида шаҳар подстанцияларининг қуввати 200 меговаттга кўпайди, кабель линиялари 225 километрга, трансформатор пунктлари 190 тага ортди. Шу даврда «Аэропорт», «ДОЗ», «Сабзон», «Виставочная», «Тепличная» подстанциялари қайта қурилиб кенгайтирилди. «Паркент», «Оржоникидзе», «Библиотечная», «Подъёмник» каби янги подстанциялар қурилиб, ишга туширилди.

Шаҳар электр тармоқларини эксплуатация қилишни республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси «ТошгорПЭС» амалга оширмоқда. Корхонамиз коллективи катта хўжаликни — 51 та подстанцияни, 36 та тарқатув ва 2730 та трансформатор пунктини, 2900 километр узунликдаги кабель ва 1930 километр узунликдаги ҳаво орқали узатиш линияларини бошқариб келмоқда. Трансформаторларга р я мизнинг умумий қуввати 2,3 миллион киловаттдан ошиб кетди.

Коллектив и м и з КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун ижодий меҳнат билан курашиб, шаҳар халқ хўжалигини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашда салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Аҳолига, корхоналарга электр энергиясини етказиб беришни корхонамизнинг асосини ташкил этган 4 та Шимолий, Шарқий, Жанубий ва Ғ а р б и й район э л е к т р тармоқлари (РЭС) амалга оширади.

Тракторсозлар шаҳарчасида 10 меговатт қувватга эга бўлган «Оржоникидзе» подстанцияси муддатидан ярим йил олдин қуриб ишга туширилди. Ҳар бири 6,3 меговатт қувватга эга бўлган иккита трансформаторли «Библиотечная» подстанциясининг қуриб ишга туширилиши шаҳримизнинг янги Марказ — 19, 20, 21, 22, 23, 24 кабк кварталлари қурилишини авж олдириб юборишга имкон яратиб берди.

Ҳозирги кунда коллективимиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини зўр ғайрат билан бажаришга киришдилар. Беш йилликнинг уч йили планини— СССР Конституцияси кунигача бажариш коллективимиз ҳар бир аъзосининг ниятидир. Ўнинчи беш йиллик давомида янгидан-янги электр тармоқлари қуриб ишга туширилади, эскирганлари янгидан қайта қурилади.

Шаҳримизнинг Шимоли-шарқий районида яшовчи аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 16 меговатт қувватли янги «Юбилейная» подстанцияси қурилади. Ҳамза районидаги «Восточная» подстанциясида 40 меговаттли трансформатор ўрнига 63 меговаттлиси қўйилади. Сергели районида «Спутник» «Карьер» подстанцияларида 25 ва 10 меговаттли трансформаторлар ўрнатилади. Октябрь районида эса «Ҳадра» подстанциясида 16 меговаттли трансформатор ўрнатилади.

Партиямизнинг XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, аҳолини ва корхоналарни электр энергияси билан таъминлашда корхонамиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини зўр ғайрат билан бажаришга киришдилар. Беш йилликнинг уч йили планини— СССР Конституцияси кунигача бажариш коллективимиз ҳар бир аъзосининг ниятидир. Ўнинчи беш йиллик давомида янгидан-янги электр тармоқлари қуриб ишга туширилади, эскирганлари янгидан қайта қурилади.

Шаҳримизнинг Шимоли-шарқий районида яшовчи аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 16 меговатт қувватли янги «Юбилейная» подстанцияси қурилади. Ҳамза районидаги «Восточная» подстанциясида 40 меговаттли трансформатор ўрнига 63 меговаттлиси қўйилади. Сергели районида «Спутник» «Карьер» подстанцияларида 25 ва 10 меговаттли трансформаторлар ўрнатилади. Октябрь районида эса «Ҳадра» подстанциясида 16 меговаттли трансформатор ўрнатилади.

Партиямизнинг XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, аҳолини ва корхоналарни электр энергияси билан таъминлашда корхонамиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини зўр ғайрат билан бажаришга киришдилар. Беш йилликнинг уч йили планини— СССР Конституцияси кунигача бажариш коллективимиз ҳар бир аъзосининг ниятидир. Ўнинчи беш йиллик давомида янгидан-янги электр тармоқлари қуриб ишга туширилади, эскирганлари янгидан қайта қурилади.

Шаҳримизнинг Шимоли-шарқий районида яшовчи аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 16 меговатт қувватли янги «Юбилейная» подстанцияси қурилади. Ҳамза районидаги «Восточная» подстанциясида 40 меговаттли трансформатор ўрнига 63 меговаттлиси қўйилади. Сергели районида «Спутник» «Карьер» подстанцияларида 25 ва 10 меговаттли трансформаторлар ўрнатилади. Октябрь районида эса «Ҳадра» подстанциясида 16 меговаттли трансформатор ўрнатилади.

Партиямизнинг XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, аҳолини ва корхоналарни электр энергияси билан таъминлашда корхонамиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини зўр ғайрат билан бажаришга киришдилар. Беш йилликнинг уч йили планини— СССР Конституцияси кунигача бажариш коллективимиз ҳар бир аъзосининг ниятидир. Ўнинчи беш йиллик давомида янгидан-янги электр тармоқлари қуриб ишга туширилади, эскирганлари янгидан қайта қурилади.

Шаҳримизнинг Шимоли-шарқий районида яшовчи аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 16 меговатт қувватли янги «Юбилейная» подстанцияси қурилади. Ҳамза районидаги «Восточная» подстанциясида 40 меговаттли трансформатор ўрнига 63 меговаттлиси қўйилади. Сергели районида «Спутник» «Карьер» подстанцияларида 25 ва 10 меговаттли трансформаторлар ўрнатилади. Октябрь районида эса «Ҳадра» подстанциясида 16 меговаттли трансформатор ўрнатилади.

Яқинда фотомухбир Н. Маликов «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб бу ердан бир нечта фотосуратлар олиб қайтди. Бирлашмада беш йиллик планни 2,5 йилда бажариш ташаббуси билан чиқаётган ишчилар сони тобора ортиб бормоқда. Мана бу фотолавҳада сиз ана шундай ташаббускорлардан — бирлашманинг 2-фабрикаси илғор мебелсозлари — Винтор Кареев, Пўлат Қодиров ва Ҳаким Эгамбердиевларни кўриб турибсиз. Шу кунларда бу ишчилар келгуси йилнинг биринчи квартали ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

ТАТИМАГАН БАЙРАМ

Янги йилни янги уйда кутиб олиш лаззатли экани ҳаммага аён. Улфатлар йиғилишиб янги йилни Ботиржонникида кутиб олишадиган бўлишди.

Улар Бешқайрағоч массивидаги ҳалқа йўл ёқасида жойлашган 10-уйга етиб келишганида оқшом тушиб қолган эди. Уй эгаси меҳмонларни кўриб қувониб кетди. Аммо хиёл хижолатроқ бўлиб кутиб олди.

— Ечинмай қўя қолинглар, — деди ийманиб. — Уйимиз яхши исимайди.

Меҳмонлар кулишди.

— Зиёни йўқ. Исиб олишинг йўлини ўзимиз топамиз.

Зум ўтмай мезбон дастурхон ёзди.

— Фақат хафа бўлмайсизлар, — деди ийманиб. — Иссиқ овқат қилишнинг иложи йўқ. Ҳали газ бериб, ишга туширилади.

Меҳмонлар бу сафар аввалгидек хушчақчақ жавоб беришмади.

— Балки чой қўйишга сувингиз ҳам йўқдир, — деди улардан бири ярим ҳазил қилиб.

— Уч кун олдин келсангиз сув йўқ эди. Ҳозир сув бор. Лекин газ бўлмагандан кейин чой қўйишнинг ҳам иложи йўқ.

Шундай бўлса-да, меҳмонлар ўтиришни бошлаб юборишди. Бурчакдаги арча чироқларини ёқишди. Телевизор томоша қилиша бошлашди. Аммо ярим соатдан кейин лип этди-ю чироқ ўчиб қолди.

— Оббо! — деди мезбон ранжиб. — Янги йилни қоронғи уйда кутиб оладиган бўлдик.

Ҳаммалари йиғилиб ташқарига чиқишди. Қарашса, нариги подъезддаги уйларда чироқ бор.

Меҳмонлардан бири бало экан.

— Озгина сим топиладими? — деди шайланиб.

Аллақаердан ўн-ўн беш қулоч сим топиб келишди. Меҳмон йигит қўшнига илтимос қилиб, балконидан ўз хоналарига сим тортди. Амаллаб чироқни ёқишди. Аммо байрам барибир татимади. Мезбон ҳасратидан чанг чиқиб, бўлган воқеани гапириб берди.

Бундан уч ой илгари Октябрь район ижроия комитетида ордер олишганида ҳалқа йўл ёнбошидаги ўнта тўрт қаватли янги уйга кўчиб кирмоқчи бўлган одамлар қувончидан дўппиларини осмонга отишган эди. Лекин дўппиларини ҳали илиб олишмасиданоқ ҳафсалалари пир бўлди.

— Элдан бурун шовқин солманглар, — дейишди уларни огоҳлантириб.

— Ҳали уйнинг чала жойлари бор. Кўчмай турасизлар.

Орадан бир ой ўтди, бир ярим ой ўтди. Охири одамлар уйга кўчиб киришди. Лекин қувончлари узоққа чўзилмади. Айниқса 9 ва 10-уйларда аҳвол ҳароб эди. Газ йўқ, чироқ йўқ, сув йўқ.

Тўғри, янги йил арафасида ниҳоят уйларга сув келди. Лекин газ бўлмагандиги туфайли одамлар ҳамон қийналиб юришибди. Бунинг устига бир подъезддаги чироқ ёнса наригисидаги ўчиб қолади. Янги йил кечаси ҳам одамлар байрам кутиш ўрнига ҳуноб бўлиб чиқишди. Чамаси бу уйлар жойлашган территория Акмал Икромов районига ўтиши керак. Демак бу аҳвол яна чўзиладиганга ўхшайди. «Қайси районга тааллуқли бўлишидан қатъий назар уйларимизда нормал шароит бўлиши керак», деб ёзибди 10-уй 19-квартирада истиқомат қиладиган Б. Норбоев. Чиндан ҳам бу масалани очиқ қолдириб бўлмайди.

КЕЛИШДИ—Ю КЕТИШДИ

Кунлардан бирида Ўзгариш кўчасида экскаватор сурон солиб ишга тушди.

— Нима гап? — деб сўрашди қўшнилар бир-биридан.

— Бу ердан қандайдир қувур ўтаркан, — Шунга қазишяпти.

Бу гап рост чиқди. Ўзгариш, Чақар ариқ ва Дархон кўчаларининг авра-астари ағдариб ташланди. Қувурлар ётқизилди. Лекин аҳвол шу ҳолда қолаверди. Қувур ётқизган «азамат» қурувчилар нима учундир ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилишди-ю кетишаверди.

«Кўчаларимиз яна шу аҳволда қолаверадими ёки тузатишармикан» деб сўрабди газетхон Ф. Убайдуллаев. Ҳ. Ражабов ва бошқалар. Октябрь районига қарашли бу территория шундай остин-устин бўлиб ётса яхши бўлмас.

ҲУШЁРБЕК.

ҲАММАҚУЛАСИЗ, КУЯСИЗ

АВТОБУС КУТИБ

Октябрь бозори ва «Ташминвода» оралиғида қатновчи 104-автобуслар илгари ҳар ярим соатда қатнаб турарди. Нима бўлди-ю, бу автобуслар қилиқ чиқариб ҳар бир-бир ярим соатда қатнайдиган бўлиб қолди. «Келес» автостанциясида ва бекатларда йўловчилар тирбанд бўлиб кетади. Диспетчерлар эса автобус етишмайди, деб жавоб қилиш билан қутилишади.

Йўловчи тиқилинч бўлган автобуслар бекатларда тўхтамай ўтади. Бу ҳам етмагандек 10—20 минутлаб йўлда тўхтатилиб билет сотилади. Кечки пайтда эса бу автобусларни сотлаб кутиш ҳам бефойда.

«Главташпас а в т о транс» бошқармасига қарашли 5-автопарк раҳбарлари бунга нима дер экан-лар? Йўловчилар қачонгача соатлаб бекатларда автобус кутишади?

Йўловчилар номидан:
С. КОМИЛОВ,
ва бошқалар.
Жами 11 имзо.

ЯРАШМАГАН ҚИЛИҚ

Ҳурматли редакция! Баъзи бир такси ҳайдовчиларининг ғалати қилиқлари кишини ранжитади. Яқинда бир юлғич шофёрнинг қўлига тушиб қолдик.

1 январь кундуз соат иккилар эди. Ташавтомашдан Юнусободга келяпмиз. 7-таксопаркка қарашли ТНЖ 89—92 номерли машинага чиқдик. Йўлда бизга битта пассажир қўшилди. У тўрт-беш километр юриб, салкам бир сўм берди-ю, тушиб кетди. Яна бир йигит чиқди машинага. У ҳам, албатта пул тўлади.

Биз Юнусободга етдик. Счётчик 3 сўму 14 тийин кўрсатди. Лекин шофёр 4 сўм беринглар, деб туриб олди.

— Ахир... нега ортиқча пул талаб қиласиз?— дедик. Шофёр эса беэ бўлиб:

— Кассанинг ҳақини ташлаб кетинглар, — дейди.

— Ҳалиги икки пассажирдан ҳам бир ярим сўмча олдингиз-ку?

— Кассанинг ҳақи...

— Қайтимини беринг.

Юлғич шофёр ирмайиб «кассанинг ҳақи» деди-ю, машинасини учириб жўнаб қолди.

Кулпа-кундуз йўловчиларни катта кўчада тунаб кетувчи бу олғирнинг исми Ҳолмат Исломов экан. У қачонгача одамларнинг киссасига қўл тиқиб юраркан?

З. ЗИЁЕВ.

Уз вақтида келмаяпти

11, 3, 9-маршрутларда қатнайдиган тролейбуслар ўз вақтида келмаётганлиги биз йўловчиларни кўп ранжитмоқда. Бу троллейбуслар 40 минут баъзан ундан ҳам кўп вақт кутириб қўймоқда.

Шаҳар трамвай-тролейбус бошқармаси раҳбарлари бу маршрутлар ишини яхшилаш юзасидан қачон зарур тадбирларни кўрадилар.

Г. ТОШМАТОВ,
ва бошқалар.

● ФОТОАЙБНОМА

КЎЧАТ ПАЙҲОН БЎЛЯПТИ

Ўтган йилги куз мавсумида шаҳримизнинг Ҳадра майдонидаги цирк биноси атрофига жуда кўплаб манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилган эди. Кўчатларни сув билан таъминлаш мақсадида суғориш шохобчаларини ҳам қилишган эди. Аммо ҳозир бу суғориш тармоқларининг бузилиб кетганлигини, улар эътиборсиз ташлаб қўйганлигини кўриб ранжийсиз (суратга қаранг).

Бу суғориш тармоқлари шу ердаги пуллик машина тўхташ жойига келиб-кетувчи машиналар томонидан ана шундай ҳолга келтирилган. «Узавтотехобслуживание» бошқармасига қарашли бу пуллик бекат қоровуллари машиналарни назорат қилишади-ю, суғориш шохобчаларини бузиб, дарахтларни синдиробтанларга эътибор беришмайди. Ахир бу масъулиятсизлик-ку! Ҳўш, қачонгача кўчатлар пайҳон қилиниб, суғориш тармоқлари бузилаверади? Ахир дарахтлар ва ёш кўчатлар, гуллар бизнинг яшил бойлигимиз-ку.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.
Автор фотоси.

Суръатга қанот

Тошкент трактор заводининг 4-ремонт-механика цехи коллективи асосий ишлаб чиқариш цехларида пресслаш қурилмалари, кўприкли кранлар ва ҳар хил токарлик, фрезерлик, пармалаш, силлиқлаш станокларини ўрнатиш, монтаж ва ремонт қилиш ишларини бажаради.

Анатолий Семёнович Грилял бошчилик қилаётган бу цех коллективи 1977 йил топшириғини муддатидан илгари бажарди. Бу ғалабага улар ҳалол меҳнатлари, уюшқоқлиги, ташаббускорлиги туфайли эришдилар. 1977 йилда бажарилган ишлар салмоғи жиҳатидан ҳар йилгидан катта бўлди. Масалан, янги корпус қурилиб, у ерга 19, 26, 28-цехлар кўчирилди. Мингдан ортиқ ҳар хил турдаги станоклар янги жойларга бир ҳафта ичида кўчириб, ишга туширилди. Шунингдек, янги «МТЗ—80Х» маркали трактор ишлаб чиқариш учун ташкил этилган 31-цех биносига эса 400 дан ортиқ янги станоклар ўрнатилиб, тезда ишга тушириб юборилди. Буларнинг ҳаммасини 4-цех коллективи қисқа муддат мобайнида амалга оширди.

Станокларни янги ўринларга ўрнатишда Владимир Бабичуков бошлиқ юнчилар, Виктор Демидов, Олег Ефремов етанчилигидаги созловчи-монтажчил а р бригадаларининг хизматлари катта бўлди. Бундан ташқари улар 2, 13, 20, 24-цехларга темирчилик-пресс а ш қурилмаларини қуриб, ишга тушириб юборишни таъминладилар.

«Ҳурмат Белгиси» ордени навоорли В. Демидов бригадаси фақат цехдагина эмас, балки бутун корхонада яхши коллектив ҳисобланади.

Ярим асрдан бери шу заводда тер тўниб меҳнат қилиб келаётган тажрибали, талабчан ва шижоатқор бригадир В. Демидов коллективи аъзолари орасида бирорта ҳам қолоқ ишчи топилмайди. Бригада аъзолари С. Царев Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, Н. Семкин эса «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган. Ҳозир коллектив 1978 йил топшириғини СССР Конституциясининг бир йиллиги кунига қадар адо этиш учун астойдил нурашмоқда. Уларнинг шу кунги вазмфаси 20-цехга 2500 тонна босимга эга бўлган пресснн муддатидан авал монтаж қилиб топширишдир.

И. ҚУЗИЕВ,
кўп чусали «Трансторстроительная» газетасининг ходими.

Газетхон мактайди...

ИСТЕЪДОД МАСКАНИ

М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси ўзбек халқ чолғу асбоблари факультети ва кафедраси ташкил топганига 30 йил бўлди.

Истеъдод маскани ўтган давр ичида халқ чолғу асбобларини такомиллаштириш, етук ижрочилик ҳамда илмий изланиш борасида муносиб йўлни босиб ўтди. Ўзбек халқ чолғу асбоблари факультети 350 га яқин ижрочи мутахассисни етиштириб берди.

Ўзбекистон халқ артистлари М. Мирзаев, А. Қодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари А. Одилов, Ўзбекистон Ленин комсомоли лауреатлари О. Камолхўжаев, Ф. Шукурова, Ш. Йўлдошев, Ғ. Эргашев каби республикамизга танилган санъаткорлар навқирон факультетнинг ўқувчиларидир. Ўзбек халқ чолғу асбоблари кафедрасининг мураббийлари фақатгина шогирдлар тайёрлабгина қолмай, ижрочилик ва илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб боришмоқда. Ўтган 30 йил мобайнида 100 га яқин ҳар хил дарсликлар тўплами, чолғу тароналари, қатор илмий методик қўлланмалар яратилди.

Най, гижжак, рубоб, альт, доира ва чолғулаштириш дарсликлари биринчи марта яратилиб санъат аҳлига тақдим қилинди. А. Одилов ва А. Петросянцларнинг «Чанг дарслиги» китобининг иккинчи қисми яқинда нашрдан чиқди.

О. РАҲМБОЕВА,
Ҳ. Ниёзий номидаги Тошкент давлат музика билим юртининг ўқувчиси.

...хабар беради

ТАШАББУС ҚУВВАТЛАНМОҚДА

«Тошкент оқшоми» газетасида босилган «Тўй — шахсий иш эмас» сарлавҳали мунозарада кўтарилган ташаббус Тошкент шаҳрининг кўпчилик маҳаллаларида бўлгани каби шаҳар атрофи районларнинг аҳолиси ўртасида ҳам қизғин мунозарага сабаб бўлди. Негаки, айни пайтда кўтариб чиқилган бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Биз истиқомат қилаётган Келес маҳалласида тўй ва маросимлар комиссиясига маҳалланинг обрўли кишилари жалб этилган. Бу комиссия Ҳамрохўжа Носиров ва Сартой Исломовлар бошчилигида навбатдаги ҳар бир тўй учун конкрет режалар тузиб чиқади. Ўтган йили илгаридан тайёрланган рўйхат асосида ҳар бир тўй қачон ва қандай ўтказилиши белгилаб чиқилди.

Илгарилари қиз чиқарилган уйга тўй келган куни ва эртасига ҳам маҳалла ва унинг атрофидан одамлар келишарди. Тўй комиссияси белгилаган тадбирга кўра маҳалла аҳли тўйга бир марта келадиган бўлди. Никоҳ куни эса қудалар ва куёв кутилади, холос. Бундан ҳамма ҳурсанд.

Тонготар ўтиришлар, қийқириқ ва музикани баландлатиб етти маҳалла оромини бузишга барҳам берилди.

Ю. БАҲОДИРОВ,
шахсий пенсионер.

...тақлир этади

ЙЎЛКА КЕРАК

«Бирлик» массиви марказидаги Бирлик ва Шароф кўчалари массивининг энг серқатнов кўчаларидан ҳисобланади. 53, 64, 79-маршрут автобуслари шу кўчалардан қатнайди. Йўловчилар, 193, 197 ва 123-мактабнинг минглаб ўқувчилари ўз мактабларига ана шу йўлкасиз кўчадан қатнаб ўқийдилар.

Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармаси ана шу кўчаларга йўлкалар қилишса жуда яхши бўларди. Негаки, аҳоли ва ўқувчилар йўлка йўқлигидан транспорт серқатнов кўчадан юришиб жуда қийналишмоқда.

Д. КОДИРОВА, Ҳ. СОДИҚОВ.

...танқид қилади

БАҲОНАГА ЎРИН ЙЎҚ

Шаҳримиздаги 50-алоқа бўлими хизматидан аҳоли ранжимоқда. Почтальонлар газеталарни, хат-хабарларни ўз вақтида газетхонларга етказиб бермаётир. Алоқа бўлими ҳар куни 79 та «Тошкент оқшоми», 53 та ва «Вечерний Ташкент», 250 та «Ленин учқуни» ва бошқа газеталарни ўз эгаларига тарқатиши керак. Негадир ана шу газеталар аҳолига фақат иккинчи куни, айрим вақтларда учинчи куни олиб борилади.

Биз бу ҳақда алоқа бўлими раҳбарига ва ходимларига бир неча марта айтдик. Лекин улар ҳар хил баҳоналар топишиб, газетхонларни ранжитишмоқда. Бу аҳвол қачонгача давом этади?

Р. ҚУРБОНОВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. КАРИМОВА: **Мен яқинда ҳомиладорлик отпускасига чиқдим. Корхонада эса кўп ишлаганим йўқ эди. Шундай ҳолларда отпускам учун қандай ҳақ тўланади?**

Жавоб: Давлат социал страхованиеси ҳисобидан ишчи ва хизматчи аёлларга нафақа тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги низомга кўра ҳомиладорлик ва туғруқ отпускасига чиққан аёл касаба союз аъзоси ёки аъзоси эмаслиги ҳамда меҳнат стажининг катта-кичиклигидан қатъий назар унга нафақа тўлиқ иш ҳақи ҳисобида тўланади.

* * *

И. СЕРКЕБАЕВ. **Яқинда уч ёшли фарзандимиз сариқ касал билан оғриб қолди. Турмуш ўртоғимнинг қўлида чақалоғи бўлганлиги учун бетоб фарзандимиз билан касалхонада мен ётдим. Менга касаллик варақаси бериладими?**

Жавоб: Давлат социал страхованиеси ҳисобидан нафақа тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги низомда ВЦСПС ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ишчи ва хизматчиларга меҳнатга қобилиятсизлик варақаларини бериш тўғрисидаги қўлланмасида агар бемор бола билан стационарда унга қараб туриш учун фақат онаси ётгандагина унга меҳнатга қобилиятсизлик варақаси берилади ва унга нафақа тўланади, деб кўрсатилган. Оталар учун бундай ҳолларда меҳнатга қобилиятсизлик варақаси бериш ва унга ҳақ тўлаш кўзда тутилмаган.

* * *

Ж. ЧОВДИРОВА: **Мен Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлайман. 1975 йил март ойида ишдан бўшадим. Етти ой ўтгач яна шу ерга жойландим. Айтингчи, менга энди касаллик варақам учун қандай миқдорда ҳақ тўланади?**

Жавоб: Ишчи ва хизматчиларга жорий этилган қоидага биноан берилган меҳнатга ажрими бўйича ишдан бўшаб, уч ой ичида қайта ишга жойлашган тақдирдагина меҳнатга қобилиятсизлик варақаси бўйича ҳақ тўланганда ҳисобга олинадиган узлуксиз меҳнат стажига илгариги ишлаган стажи ҳам қўшилади.

Сизнинг мисолингизда ишдан бўшаб, яна ишга қайтишингизга қадар қарийб етти ой ўтиб кетган. Демак, сизга социал страхованиесидан беморлик вақтингиз учун иш ҳақингизнинг 50 процентги ҳисобидан нафақа тўланиши қонунийдир. Агар касаба союз аъзоси бўлмаганингизда нафақа миқдори яна ярмига камаяр эди.

М. БЕРДИЕВ,
Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг Давлат социал страхованиеси бўлими инструктори.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Йўл ҳаракати қоидаларининг 83-моддасида шундай дейилган: «Транспорт воситалари қатнаётган йўл тўсилган бўлса, уни айланиб ўтиш учун аввало қаршидан келаётган машинани ўтказиб юбориш керак». «Главташпас с а в т о транс»нинг 4-автобус парки ҳайдовчиси В. Пшеничний ана шу қоидага риоя қилмай, ўзига ишониб топширилган автобусни қарши йўлга ҳайдаб чиқди. У Қатортол кўчасида ГАЗ— 24 маркали 65— 09 ТНМ автомашинаси билан тўқнашди. «Волга» машинаси ҳайдовчиси ва йўловчилар жароҳатландилар, иккала автомобиль пачоқ бўлди. Йўл қоидаларига риоя қилмаслик шунга олиб келди. Энди В. Пшеничний қилмишига яраша жавоб беради.

Беш йиллик план— муддатидан илгари

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Киров ва Собир Раҳимов районлари мусобақаси

КЎП, ЯХШИ ВА АРЗОН

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ 1977 ЙИЛДАГИ ХЎЖАЛИК-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ, МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ.	Киров район		Собир Раҳимов район	
	Мажбуриятда кўзда тутилгани	Аслида	Мажбуриятда кўзда тутилгани	Аслида
Маҳсулот реализацияси бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)		103,9		103,5
Планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот (минг сўм ҳисобида)	7400	8446	6700	6702
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)		106,6		108,8
Утган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати (процентларда)		105,8		107,0
Меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	90,0	87,9	85,0	82,0
Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш (процент ҳисобида)		97,7		102,1
Утган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (процентларда)		111,6		115,7
Янги ишланган ва ўз лаштирилган буюмлар моделлар, фасонлар (миқдори)	100	114	100	110
Сифат белгисига аттестациядан ўтказишга тақдим этилди (миқдори).	8	25	6	26
Реализация қилинган маҳсулотнинг умумий ҳажмида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган буюмлар (процент ҳисобида)	10,0	10,6	2,0	5,1
Тежаб олинди: қора ва рангли металлар (тонна)	200	202	675	676
ёнилғи (тонна)	260	253	510	540
электр қуввати (минг киловатт-соат)	850	970	1,280	1450
Янги ўрнатилган ускуналар (миқдори)	150	175	200	200
Фойдаланишга топширилди: а) турар жой майдони (минг квадрат метр)	37,0	28,9	61,0	65,0
		1977 йилнинг январь-ноябрь ойларида		1977 йилнинг январь-ноябрь ойларида
б) мактабгача болалар муассасалари (ўринлар сони)	—	—	—	—
Н. Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	14	14	24	24
Қишлоқна оталиқ ёрдами (минг сўм ҳисобида)	400	400	320	440
«Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажарамиз» шиори остида мусобақалашаётганлар (одам миқдори)	300	300	350	350
«Беш кунлик топшириқни — тўрт кунда бажарамиз» шиори остида мусобақалашаётган бригадалар (одам миқдори)	3,100	3,100	7,450	7,840

Ўзаро мусобақадош Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнатчилари беш йилликнинг иккинчи йили зарбдор вахтасида шартномада кўрсатилганидек яхши меҳнат қилдилар. Кўпгина корхоналар йиллик давлат планларини муддатидан илгари бажардилар, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун пухта замин тайёрладилар.

Корхоналарнинг мутахассислари ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини жорий этиш, меҳнатни илмий ташкил этишни такомиллаштириш, ҳозирги замон талабларига мос буюмлар ишлаб чиқаришни таъминлаш ва маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий этиш борасида катта қадам ташладилар.

Ўтган йили биргина Собир Раҳимов районида ўттизга яқин автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган поток линия ишга туширилди. Фан-техника тараққиётини жорий этиш планига кўра иқтисодий самараси 1 миллион сўмликка бўлган 55 та йирик тадбир амалга оширилди. Ишлаб чиқариш иштирокчиларининг олимлар билан ижодий ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Шуниси қувончлики, илмий-тадқиқот ташкилотлари билан тузилган хўжалик шартномаларини амалга ошириш ҳисобига 19 миллион сўмлик иқтисодий фойда олинди.

Киров район корхоналарида янги техникани жорий этиш асосида модлий-техника воситалари бир мунча янгиланди.

Бунинг ҳисобига кўпгина корхоналар ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмлар реализация қилиш ҳажмини 9— 43 процентга кўпайтирдилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий қисмига меҳнат унумдорлигини ўстириш туфайли эришилди. Бу борада «Ўзбексельмаш», «Миконд», экскаватор ремонтни, металл фурнитуралари, «ГлавташкентстроЙ» ишлаб чиқариш корхоналари бошқармасининг «Промэнерго» заводлари, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш, «Шарқ» мебель ва «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмалари ва бошқа корхоналар намуна кўрсатдилар.

Мусобақадош районларнинг корхоналарида юбилей йилининг биринчи куниданоқ йиллик план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун меҳнат беллашуви авж олиб кетди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида мавжуд резервлардан омилкорлик билан фойдаланилганда эди, йилни янада зарбдорона якунлаш мумкин бўлар эди.

Асбобсозлик заводида, 14-рельс пайвандлаш поезди, «Промстройматериал» трестининг 1-ёғочни қайта ишлаш, тошни қайта ишлаш комбинатлари ва қурилиш саноати материаллари бирлашмасида 1976 йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди.

Киров райони маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича давлат топшириғини бажара олмади. Бу ерда асбобсозлик заводи ва қурилиш саноати материаллари бирлашмаси коллективлари, йиллик планга кўра 63 минг сўмлик кенг истеъмол буюмларини етказиб бераолмадилар.

Беш йилликнинг биринчи навбатдаги вазифаларидан бири юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқариш учун курашни авж олдиришдир. Ҳали барча корхоналарда ишлаб чиқариш имкониятларига ва план топшириқларига жавоб берувчи натижалар қўлга киритилгани йўқ. Мисол учун тикувчилик ва трикотаж бирлашмаларини олайлик. Бу корхоналар сўнгги йилгордир. Бу ерда маҳсулот сифатининг юқори бўлишини таъминлаш системасини такомиллаштириш бўйича кўпгина ишлар қилиняпти. Аммо барибир брак маҳсулот тайёр маҳсулот омборларигагина эмас, балки савдо тармоқларига ҳам «сакраб тушяпти». Тикувчи ва трикотажчилар савдо ташкилотлари томонидан туширилган рекламацияларнинг сабабини қандай изоҳлашлари мумкин? Масалан, тикувчилик бирлашмасига 300 та жун ғазламадан тайёрланган костюм, 1200 турли паст сортли костюмлар қайтариб юборилди. Трикотаж бирлашмаси 2,8 мингта устки трикотаж буюмини, 3,9 мингта паст сортли буюмларни қайта ишлаш учун қабул қилиб олди.

Шунингдек, металлни қайта ишлаш саноати учун бир неча асбоб-ускуналар туркумини ишлаб чиқаришда бракка йўл қўйган асбобсозлик заводи ҳам ўз айбини бўйнига олди.

Ёғочни қайта ишлаш ва тошни қайта ишлаш комбинатлари, шунингдек асбобсозлик заводи маҳсулот таннархини бир неча юз минг сўмликка қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Меҳнат коллективлари беш йиллигининг янги йилида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, тежамкорлик ҳаракатини кучайтиришга жиддий эътибор беришлари лозим. Корхоналарнинг биринчи вазифаси —барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқларни бажаришлари керак. Фақат шуни унутмасликки керак: тасдиқланган план — бу қонун, уни бажариш ҳар бир меҳнатчининг шарафли вазифасидир.

Республикамиз пойтахтида Автомобиль йўллари қурилиши ва эксплуатацияси министрлигининг янги ахборот-ҳисоблаш маркази ташкил этилган. Бу ерда янги қурилаётган автомобиль йўлларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ ҳисоб-китоб ишлари оператив равишда ечилади. Марказ замонавий электрон-ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланган.

СУРАТДА: оператор Раъно Убайдулина бош пульт олдида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 60 йиллиги олдидан

Байрам кезларида бу хонадон соҳибига мттифоқимизнинг турли бурчакларидан дил сўзлари, миннатдорчилик ҳис-туйғулари изҳор этилган жуда кўплаб мактублар келиб туради. Мактуб эгаларининг Улуғ Ватан урушининг ветерани, шон-шуҳратга бой бўлган Ленин орденли, Қизил Байроқли гвардиячи Кантемиров танк корпуси миномет батальонининг собиқ комиссари, партия комиссиясининг ва 3-гвардиячи мотоўқчи бригадаси партия ташкилоти штабининг секретари, истеъфодаги гвардиячи майор, Дондан то Эльбагача бўлган уруш йўлларини босиб ўтган жасур ҳамшаҳримиз бўлмиш Маҳмуджон Йўлдошевич Зуфаровнинг муборакбод этадилар.

Ширин сўз, юзидан табассум аримайдиган Маҳмуджон ака ана шу мактуб эгаларига жуда самимийлик билан жавоблар қайтаради, ўзининг шу кунлардаги ишларидан уларни хабардор қилади.

Гарчанд Маҳмуджон ака пенсияга чиққан бўлса-да, асло тиниб-тинчимайди. Уни пойтахтимиз саноат корхоналарида, олий ўқув юртларида, ҳарбий комиссариатларда, республикамизнинг турли бурчакларида учратиш мумкин.

Улуғ Ватан урушининг ветерани, М. Зуфаров ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардия полковниги Ботир Даврончович Бобоев раислик қилаётган уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секциясида ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқда. У шу секциянинг пропаганда бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасида, ишлаб ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига жуда катта ҳисса қўшмоқда.

Маҳмуджон Зуфаров учрашувларда Улуғ Ватан урушида совет кишиларининг кўрсатган жасорати тўғрисида тўлиб-тошиб, ҳаяжон билан сўзлайди, ўзи хизмат вазифасини ўтаган гвардиячи Кантемиров танк корпуси ва унинг 3-гвардиячи мотоўқчи бригадаси шонли анъаналари ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб беради. Бу ерда шуни айтиш керакки, М. Зуфаровнинг Москвада чоп этилган «Гвардиячилар» китоби ҳам кантемировчи ветеранларга ва уларнинг шонли воркларига бағишланган. Бу китобда автор ўз таассуротлари билан ўртоқлашади, полкдош дўстлари тўғрисидаги хотираларидан ҳикоя қилиб беради.

Биз Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 60 йиллиги олдидан Улуғ Ватан урушн ветерани М. Зуфаровнинг ён дафтарларидаги алангали йиллар тўғрисидаги хотираларини оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

ЖАНГОВАР ЙИЛЛАР ХОТИРАСИ

«Қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!», «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди!»— Уруш ветеранлари бўлган бизлар жанговар дўстларимизнинг қардошлик қабристонлари олдида бош эгиб ана шу сўзларни айтамиз.

«Қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!»— Жанг майдонларидан ўз уйига қайтиб келиш насиб бўлмаганларнинг фарзандлари ва набиралари ана шу сўзларни қасамёд қилиб айтадилар.

Ғалаба кунларида, улуғ байрамларимизда ҳамма сукут сақлаб жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг хотирасини эслайди. Ана шундай онларда беполён Ватанимизнинг ҳар бир бурчагида бўлган кишилар уруш қаҳрамонларини ёдга олади.

Номаълум солдат қабри олдида, ўз жигаргўшасини урушга жўнатиб, унинг жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги тўғрисида бир энлик хат олган оналар шарафига ўрнатилган ёдгорликлар олдида ҳар бир киши таъзим қилади.

Чиндан ҳам Ватанимиз, халқимиз ўз қаҳрамонларининг жасоратини асло унутмайди. Уруш ветерани сифатида биз кекса авлод кишилари ҳам халқимизнинг жанг майдонларида кўрсатган жасоратларини фахр ва миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан эслаймиз. Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун ўз ҳаётини қурбон қилган кишиларнинг ёркин хотираси қалбларимизда абадий сақланади. Улар етолмаган орзуларга, ўлар бажара олмаган ишларга, оталари ва оналари жанговар анъаналарини давом эттираётган фарзандлар етмоқда. Менинг архивимда жуда кўплаб мактублар сақланади. Ана шу мактублар ҳам бу ишларнинг давом этаётганлиги, қаҳрамонлар хотираси асло унутилмаётганлигидан дарак беради. Келинг, ана шундай хатлардан бир-иккитасини ўқиб чиқайлик.

«Ҳурматли Маҳмуд Йўлдошевич! Отам ҳақида батафсил менга ёзиб юборишингизни жуда-жуда илтимос қиламан. Эшитишимга қараганда Сиз отам билан бирга суратга тушган экансиз. Иложи бўлса ана шу суратни ҳам менга юборсангиз. Менинг илтимосимни бажо келтиришингизга аминман. Чуқур ҳурмат билан Булат Волобуев. 1970 йил 30 июнь».

«Менга юборган суратингиз учун Сизга чин дилдан ташаккур билдираман. Бу отам ҳақидаги мен учун энг катта ва энг қимматли ёдгорликдир. Мен учун ниҳоятда қимматли бўлган ана шу суратни сақлаганингиз учун Сизга катта раҳмат.

Отам фронтга кетганида мен эндигина беш ёшга кирган эканман. Мен онамнинг ҳикояларн ва Сиз юборган сурат бўйича отам тўғрисида барча маълумотларга эга бўламан. Б. Волобуев. 1971 йил, 24 март».

Булат Волобуевнинг ана шу биргина хати замирида жуда катта маъно бор. Унинг хатини ҳаяжонланиб ўқир эканман кўз олдимга унинг отаси билан—Николай Михайлович Волобуев билан бўлган биринчи учрашувлар келди. Биз у билан қизғин жанг кезларида учрашган эдик...

...Жанг қизғин борарди. Ҳаммаёқ тўс-тўполон эди. Шу пайт жангчиларни бир кишининг баланд ва ишончли овози жангга ундади. Бу Волобуев эди. Фашистлардан тозаланган окопга келганимда подполковник Волобуев менинг қўлимни қаттиқ қисиб, ўзбекчалаб:

— Шундай қилиб, бирга ишлаймиз. Фамилиям Волобуев, Николай Михайлович. Сизларнинг бригадангизга сиёсий бўлим бошлиғи этиб тайинланганман,— деди ва бироз сукут сақлаб рус тилида қўшиб қўйди:

— Мен Сизнинг ҳамшаҳрингизман. Ўзбекистонданман. Бирга-ликда жанг қиламиз ва дўст бўлиб қоламиз.

Чиндан ҳам биз Николай Михайлович билан жуда қадрдон бўлиб қолган эдик. Биз Курск ёйидан Польшагача ёнма-ён бордик.

Николай Михайлович ажойиб инсон, коммунист, катта командир эди. У сиёсий бўлим ходимларидан доимо қийин жойларда, жангчилар орасида бўлишни талаб этар эди. Унинг раҳбарлигида партия-вий-сиёсий ишлар олиб борилар эди.

Подполковник Н. Волобуев мендан, партия комиссиясининг раисидан ҳар қандай шароитда ҳам партия сафларига кишиларни қабул қилиш, ҳар қандай шароитда улерга партия билетларини топшириш-ни талаб қилар эди. Украина, Польша ерларини озод қилиш учун бўлган курашларда Н. Волобуев доимо бизлар билан бирга бўлди. Унинг жасоратига бизлар тасаннолар айтар эдик. Ленин ордени, Қизил юлдуз, 1 даражали Улуғ Ватан уруши орденлари ва бешка жанговар медаллар унинг жасоратидан дарак бериб турибди.

Н. Волобуев билан бирга гвардия старшинаси Василий Шчербинин, майор Чернавин, гвардия сержантлари Салимов ва Маҳмудовлар ҳам жасорат кўрсатишди.

Мен майор Чермавин билан сўнгги жангда ҳам ёнма-ён эдим. У жангга жуда моҳирона раҳбарлик қилар эди. Қизил юлдуз, Богдан Хмельницкий, I даражали Улуғ Ватан уруши орденларининг қавалери, гвардия майори Чернавинни Польша туп-роғига кўйдик. Польша озодлиги учун бўлган жангларда менинг жанговар дўстларимдан гвардия майори Тимченко, гвардия капитанлари Мухин, Маркин, Бондаревлар ҳалок бўлишди.

1945 йил мартида Кантемиров корпусининг командири, генерал Полубояров бригадамизга келганида подполковник Леоновга шундай деб қолди:

— Уруш ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Қаҳрамонларимизни и г ҳокини жонажон тупроғимизга олиб кетиш масаласига қандай қарайсиз?

— Жуда ҳам тўғри гап, ўртоқ генерал.

— Бу ишни кимга топширасиз?

— Партия комиссиясининг секретари Зуфаров Волобуевнинг дўсти эди.

Биз дўстларимиз билан бирга ана шу топшириқни бажариш шарафига муяссар бўлдик ва Н. М. Волобуев, жанговар дўстларимиз Чернавин, Тимченко, Мухин, Маркин, Бондаревларнинг ҳокини Львов шаҳар қабристонига олиб келиб қўйдик...

Мен бир жанговар дўстим ҳақидагина қисқача тўхталдим. Уларнинг фарзандлари Булат Волобуев ва Алла Волобуеваларга йўллаган хатимда уларнинг оталари ҳақидаги, унинг жанг майдонларида кўрсатган жасорати ҳақидаги ҳамма гапларни ёзиб юбордим.

Шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг гвардиячи Кантемиров танк корпуси ва унинг 3-гвардиячи мотоўқчи бригадасида бундай фидойи кишилар жуда ҳам кўп эди. Уларнинг командири, истеъфодаги подполковник Юдин директорлик қилмоқда. Танк экипажининг собиқ командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Пикалов тог ишининг устасига айланди. Танк батальонининг собиқ командири Мороз Симферополда ёшлар орасида катта ҳарбий-ватанпарварлик ишларини олиб боряпти. Собиқ катта радист Козлов медицина фанлари доктори бўлди. Медицина хизмати капитани Федоров профессор унвонига сазовор бўлган.

Бу ўринда корпусимизнинг собиқ радисти Наталья Яковлевна Черняк номини фахр билан тилга олиб ўтамен.

Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати ёркин бир саҳифа бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам уруш ветерани сифатида мен ана шундай баҳодир ўғлонлар ҳақида марок билан гапирсам арзийди.

Бундан бир неча йил муқаддам мени пенсияга ўзатишди. Энди менинг бўш вақтларим етарли эди. Шунинг учун ҳам эски мактубларни қайта-қайта ўқиб чиқиш, урушнинг жанговар эпизодларини хотирага келтириш, фронтдош дўстларни, уларнинг қариндош-уруғларини ва яқин кишиларини топиш имконияти туғилди. Биз, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ҳеч нарсани эсдан чиқарганимиз йўқ. Чунки, совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати асрлар оша ёддан кўтарилмайди. Юқорида мен номини фахр ва ифтихор билан тилга олган дўстларим бунга яққол мисол бўла олади. Лекин қадрдон Кантемиров дивизиясидаги жанговар ишлар ҳақида, собиқ кантемировчилари и н г тинч қурилиш йилларида олиб бораётган ибратли ишлари тўғрисида ҳам тўлиб-тошиб гапирса арзийди.

Козогистоннинг Кокчетов областида «Кантимироеца» совхози бор. Уни ташкил этиш таърифини мен мароқ билан эшитдим. Совхозни бизнинг дивизиямизнинг истеъфога чиққан жангчилари ташкил этишган экан. Улар кўриққа рота, батальон бўлиб келишган экан. Бу ерда ҳамма иш жуда аниқ, гвардиячасича бажарилди. Собиқ жангчиларнинг юксак ташкилотчилиги, интизоми ва маҳорати туфайли совхоз жуда катта ютуқларга эришди.

Кантемиров дивизиясининг ветеранлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишламоқдалар. Уларнинг кўпчилиги армия сафидаги хизматини давом эттиряпти. Ёши бир жойга бориб қолганлиги ёки саломатлиги туфайли пенсияга кетган кишилар эса катта ҳарбий-ватанпарварлик ишларини олиб бормоқдалар, ёшларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияламоқдалар.

Подмосковьедаги совхозга полкнинг собиқ командири, истеъфодаги гвардия полковниги Юдин директорлик қилмоқда. Танк экипажининг собиқ командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Пикалов тог ишининг устасига айланди. Танк батальонининг собиқ командири Мороз Симферополда ёшлар орасида катта ҳарбий-ватанпарварлик ишларини олиб боряпти. Собиқ катта радист Козлов медицина фанлари доктори бўлди. Медицина хизмати капитани Федоров профессор унвонига сазовор бўлган.

Бу ўринда корпусимизнинг собиқ радисти Наталья Яковлевна Черняк номини фахр билан тилга олиб ўтамен.

У уруш тугагач, Москва университетининг химия факультетини тугаллади. Нефтни қайта ишлаш заводида ишлади, диссертация ёклади ва ҳозирги пайтда СССР Фанлар академияси институтларидан бирида катта илмий ходим бўлиб ишламоқда.

Мана шу мисолларнинг ўзи гвардиячи кантемировчилар ўз авлодларига содиқ қолаётганликларидан ёркин бир нишонадир.

...Мен ўзимнинг собиқ жанговар дўстларимдан ҳам тез-тез хатлар олиб тураман. Бу дўстларим тинч қурилиш йилларидаги ўзларининг ютуқларидан ҳикоя қилишади. Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрами арафасида менга Виктор Петрухин мактуб йўлладн. У хозир «Курскэнерго»да меҳнат қилмоқда.

Дўстларимдан хат олганимда гвардиячи Кантемиров корпусида ўтган тўрт йиллик хизмат йилларим кўз олдимга келади. Мен ана шу корпусда хизмат қилганимдан бенихоя фахрланаман. Бу ўринда гвардиячи корпусимизнинг жанговар хизматлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан юқори баҳоланганлигини айтиб ўтмоқчиман. 31 нафар кантемировчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 20 минг жангчи орден ва медаллар билан тақдирланди. Кўпгина гвардиячилар Польша Халқ Республикаси ва Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳукумат мукофотлари билан мукофотланган.

Бизнинг дивизиямиз 1945 йил Москвада, Қизил майдондаги Ғалаба Парадида қатнашди. Урушдан сўнг эса гвардиячи кантемировчи ветеранлар ва уларнинг ўғиллари Қизил майдонда бўлдирган ҳарбий парадларнинг доимий қатнашчиларидир. Масалан, хизматдан ташкари гвардия прапоршчиги, коммунист Иван Прокопенко 30 дан зиёд ҳарбий парадларнинг қатнашчиси бўлди. У жуда кўп марта Қизил майдон узра дивизия командири танкини бошқарди.

Мен дивизиямизга меҳмон бўлиб борганимда яна жуда кўпгина ажойиб анъаналарнинг давом этаётганлиги ҳақидаги суҳбатларни марок билан тингладим. Менга жанговар шон-шуҳрат музейини кўрсатишди. Бу ерда бирлашмаларнинг жанговар йўли ва тарихини ҳикоя қилувчи экспонатлар ва материаллар кўз қорачиғидек сақланмоқда. Музей экспонатлари кантемировчиларнинг бизнинг шу кунларимиздаги ҳаёти ва ўқуви ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Музейнинг залларидан бири менда айниқса чуқур таассурот қолдирди. У Улуғ Ватан урушида жангчиларимиз кўрсатган мардлик ва жасоратнинг ўзига хос галереясини эслатади.

Мен ўзим учун қадрдон бўлиб қолган дивизияда бир ҳафтадан зиёдроқ меҳмон бўлдим. Кўпгина учрашувлар, ёш солдат ва офицерлар билан қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтди. Мен уларга мисли-сиз жанглар тўғрисида, гвардиячи Кантемиров танк корпусининг ва жонажон бригадамиз жангчиларининг жасорати ҳақида ҳикоя қилиб бердим. Худди мана шу ерда фронт кунлари, гвардиячи мотоўқчи бригадасининг шонли жанговар йўли тўғрисида китоб ёзишга аҳд қилдим. Бу китоб 1976 йили Москвада чоп этилди. Китобда 4-гвардиячи Кантемиров танк корпусининг жанговар йўллари ҳақида, жангчиларнинг қаҳрамонлиги ва жасорати тўғрисида ҳикоя қилинади.

1972 йилнинг ёзида Ленин орденли, Қизил Байроқли, гвардиячи Кантемиров танк дивизияси ўзининг 30 йиллигини тантанали нишонлади. Юбилейга жуда кўплаб меҳмонлар, ветеранлар, шу жумладан, бизнинг танк корпусимизнинг собиқ командири, бронетанк кўшинлари маршали Павел Павлович Полубояров ҳам ташриф буюрди. Тантанали митинг ва параддан сўнг ветеранлар ўз полклари бўйича тарқалдилар. Бизнинг полкимизда ветеранлар унинг командирлари ва шахсий состав билан учрашдилар.

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрами кезларида кантемировчи жангчиларнинг уруш йиллари ва тинч яратувчилик йилларидаги меҳнатлари Юбилей Фахрий Нишони билан тақдирланди.

...Улуғ Ватан уруши садолари тинганига 33 йил бўляпти. Биз Совет гвардиячилари-уруш ветеранлари ўзимизнинг жанговар дўстларимиз ва касамёдимизга содиқмиз. Биз бутун куч-ғайратимизни ер юзида доимо тинчлик бўлишига қаратмоқдамиз. Совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати эса асрлар оша қалбларда яшайди. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 60 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда биз уруш ветеранлари ҳам корхоналарда, колхоз ва совхозларда, олий ўқув юртларида бўлиб Совет Қуролли Кучларининг кудрати ҳақида, Совет жангчиларининг кўрсатган жасоратлари тўғрисида, оталари ва оналарининг революцион шон-шуҳрат анъаналарини давом эттираётган шонли ўғлларимизнинг ишлари ҳақида фахр ва ифтихор билан гапириб бермоқдамиз.

Маҳмуджон ЗУФАРОВ,
истеъфодаги гвардия майори, уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секцияси пропаганда бўлими бошлиғининг ўринбосари.

УЧ ОКЕАН ОРҚАЛИ

СССР Фанлар академияси Узоқ Шарқ илмий марказининг янги илмий-тадқиқот кемаси — «Профессор Богоров» Атлантика океанида илмий тадқиқотлар турнумини муваффақиятли бажарди.

Олимлар гидрофизика, гидрохимия ва гидробиология тадқиқотларини ўтказишди. Атлантиканинг марказий қисмидаги денгиз организмларининг яшаш шароитлари тўғрисида янги маълумотлар олинди.

Илм-фан кемасининг сафари 130 кун давом этади. У Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларидан, кўпгина денгизлардан сузиб ўтиши лозим.

Ҳозир илмий марказнинг флотида олис сафарларга борадиган бир неча кема бор.

(ТАСС).

УНИВЕРСАЛ ЭКСКАВАТОР

КОСТРОМА. «Рабочий металлист» заводи Э — 10011 «Е» экскаваторини кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Машинада турли типдаги чўмичлар, драглайн, чанғак, кранлар бор. Экскаваторга аввалги моделларга нисбатан анча мустаҳкам шовқин пасайтиргич асбоб ўрнатилган, тебраниш даражаси камайтирилган. Агрегат иш унуми 15 процент кўп. Дастлабки машиналар Ўрта Осиё мелиораторларига жўнатилди.

ҲАШАРОТЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Республика Фанлар академияси зоология ва паразитология институтининг олимлари Жиззах областининг кўпдан бери ҳайдалиб келаётган ерларидаги ҳашаротларнинг сони ва тадқиқ қилдилар. Бу ерда яшаш шароитларини бўғиноёқлиларнинг жами 180 тури мавжудлиги аниқланди. Булардан зиёнли тури йиртқич ҳашаротлар — энтомофаглардан кўзаларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиш юзасидан тавсиялар тайёрладилар.

(ЎзТАГ).

Тошкентнинг спорт ҳаёти

КАСАЛЛИКНИ ЕНГИБ

Жисмоний тарбия киши саломатлигини тиклаш, чиниқиш, бардам ва тетик бўлишга ёрдам беради. Соғлом кишининг эса меҳнати унумли бўлади. Бунга Тошкент тўқимачилик комбинатида меҳнат қилаётганлар жуда яхши тушунишади. Шу боисдан ҳам «Текстильщик» спорт клуби қошида ишлаб турган саломатлик группаси машғулотларига қатнашувчиларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда.

— Бу ерда иккита саломатлик группаси мавжуд,— дея ҳикоя қилди бизга группа раҳбарларидан бири Олег Васильевич Будников.— Улар комбинат ташкил қилинган йилларда тузилган. Шундан буён бу группалар ишчилар саломатлигини тиклашга хизмат қилиб келмоқда. Уларда асосан ўттиз ёшдан ошган ишчи ва хизматчилар шуғулланишади.

Группаларда машғулотлар ҳафтада уч марта бўлади. Югуриш йўлкалари, городки майдонларида ўтказилган турли машқлардан кейин қатнашчилар махсус хонага йиғилишади. Бу ерда улар медицина кўригидан ўтказилади. У ёки бу машқ оғирлик қилган, юраги ҳасталанган кишиларга ниспатан енгил ҳисобланган умумжисмоний гимнастика машқлари билан шуғулланиш тавсия этилади. Улар маълум муддат ўтгач ўзларидаги хасталик аломатларини унутишади. Ана шунда группа раҳбарлари уларга спортнинг баскетбол, футбол турлари билан шуғулланишга рухсат этишади. Машғулотларнинг бундай мутаносиблик билан олиб борилиши қатнашчилар организмининг чиниқиши, уларни тетик ва бақувват бўлишларига олиб келяпти.

Саломатлик группасининг аъзоси Пелагея Овсова мисолида машқларнинг фойдали эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унинг бу ерга келишига юрак қон-томир аъзоларининг хасталаниб қолганлиги сабаб бўлган эди.

— Мен,— деди у ҳаяжонланиб,— саломатлик группасининг ветеранларидан бирийман. Тўғрисини айтганда, дастлаб бу ердаги машғулотлар саломатлигимни тиклашга ёрдам беришга ишонмагандим. Ҳатто қилган эканман. Аста-секин ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Кейинчалик эса бутунлай соғлом бўлиб қолдим. Ҳозир пенсиядаман. Лекин машғулотларга қатнашишни ҳеч тарк этганим йўқ. Машқлардан кейин ўзимни гўё ёшариб қолгандек, кучқувватга тўла ёшлардек ҳис қиламан.

Саломатлик группаси ҳақида гап борганда ёш врач Игорь Сейтумеровнинг хизматларини ҳам таъкидлаш керак. Бу синчков мутахассис ишчи ва хизматчиларнинг қайси бири қандай машқ билан шуғулланиши лозимлигини айтиб туради. Унинг кўрсатмасига амал қилганлар эса бениҳоя хурсанд бўлишади. Чунки машғулотлар уларга бардамлик, тетиклик ҳадя этади.

Умумжисмоний машқлар, югуриш, серҳаракат ўйинлар, волейбол, бадминтон, сузиш — булар саломатлик группаси аъзоларига катта фойда келтирмоқда. Уларнинг кўпчилиги ГТО кўпкураши V босқичи бўйича шаҳар мусобақаларида қатнашганлиги бунинг ёрқин исботидир.

А. ИНОҚОВ.

◆ ФАН ОЛАМИДА

ЛИГНИНДАН КОКС

Кузнецк, Иркутск ва Челябинскдаги мутахассисларнинг ҳамкорликда олиб борган изланишлари туфайли гидролиз ва биохимявий ишлаб чиқариш саноатининг кўп тонналик чиқиндиси—лигниндан фойдаланиш имконияти яратилди. Лигниндан юқори сифатли кокс ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланди. Бунинг учун лигнин қуритилади, маълум бир шаклга киритилади ва ҳаво киритилмай қиздирилади. Бу усулда олинган кокс ёғочдан олинган кўмирга яқин бўлиб, мустаҳкамлиги бирмунча юқорирокдир. Бу коксдан металлургия саноатида алоҳида тоза қотишмалар олишда фойдаланиш мумкин.

Ёғоч массасининг учдан бир қисмини лигнин ташкил этса-да, ҳозиргача бу табиий полимердан кам фойдаланилар эди. Шу сабабли турли ишлаб чиқариш корхоналарида юз миллионлаб тонна лигнин тўпланиб қолган эди. Бу жиҳатдан лигниндан кокс олиш жараёни яратилиши кенг истиқболлар очиб беради.

◆ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ЯНГИ БИЛИМ ЮРТИ

Акмал Икромов районидаги бобир кўчасида тўрт қаватли комплекслашган ҳунар-техника билим юрти биноси қуриб битказилди. Бинони «Главташкентстрой»нинг 153-трестига қарашли 14-қурилиш бошқармаси бунёд этди. Бу янги ўқув масканида савдо ва маиший хизмат касблари ўргатилади.

«Ташгипрогор» институти лойиҳаси асосида яратилган бу билим юртида мажлислар ва спорт зали мавжуд бўлиб, ўқув хоналари кенг ва ёруғдир.

МУҲТАШАМ БИНО

Аҳмад Дониш кўчасида қурилган тўққиз қаватли бинонинг 112 хонадонида уй тўйлари ўтказилди. Бу уйларни 11-«Висотстрой» трестининг 1 ва 2-уйсозлик комбинати азаматлари бунёд этишди. Бу биноларнинг биринчи қаватида маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, озиқ-овқат магазинлари бўлади.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Жуковский ва Карл Маркс кўчалари кесишган жойда Успенский номли музика мактабининг янги тўрт қаватли биноси фойдаланишга топширилди. 159-трест қурувчилари томонидан бунёд этилган бу мактабда 100 ўринли ошхона бўлиб, бинонинг ташқи кўриниши ўзининг кўркамлиги билан бу кўчалардаги бинолардан фарқ қилади.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

13 ЯНВАРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Асл йигитлар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Кася ва Мурзик». Кинновелла. 18.55 «Жасорат». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. П. Белобородов олиб боради. 19.25 «Бизга кўпдан қадрдон қўшиқлар». Программада И. Дунаевский, В. Соловьёв-Седой, С. Кац, Б. Терентьев, Е. Жарковский, М. Блантер, Ю. Милютин, М. Фрадкин, Б. Мокроусов қўшиқлари. 19.55 «Магнитнинг тортиш кучи». 3-кўрсатув. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 20.25 «Мангу даъват». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Оперетта, оперетта...» Москва оперетта театрининг концерт кўрсатуви. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Ленин комсомолининг 60 йиллигига. «Зарбдор комсомол қурилишларида». 18.20 «Ихтисодий билимлар — оммага». 18.40 «Қувалиқлар ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз». 18.50 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.05 «Ноз-неъмат бунёдкори» программаси. 19.25 «Ахборот» информацион программаси. 19.45 «Янги йил базми». Катта Янги йил музикали программаси (31 декабрдаги программа такрорланади). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Янги йил базми». Катта Янги йил музикали программаси (давоми). 00.25 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Кичкинтойлар учун физика». 7 ва 8-сон. 19.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 19.55 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Янги марралар сари». 20.45 Эстрада концерти. 21.20 Ўқитувчилар учун консультация. 21.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия.

14 ЯНВАРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.50 «Бугунгача кўргазмаси». 10.20 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.50 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.20 «Советлар ва ҳаёт». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Сахалин область комитетининг биринчи секретари П. А. Леонов иштирок этади. Кўрсатувни юридик фанлари доктори В. И. Васильев олиб боради. 11.50 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». А. Дюрер. 12.20 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. 13.25 «Спортлото» тиражи. 13.35 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 14.25 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Этик кийган мушукнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм. 16.20 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 17.05 Спорт программаси. 17.35 Мультфильмлар программаси. «Янги йил шамоли», «Қишки эрмаклар».

18.05 «Ҳаракат сири». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳайвонот оламида». 19.45 «Мао меросхўрлари». 1-қисм. «Ҳокимият учун кураш». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Каверзнев олиб боради. 20.30 «Голубой огонёк». Янги йил кўрсатуви (1 январдаги программа такрорланади). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Голубой огонёк». Янги йил кўрсатувининг давоми. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.50 «Спортивний Узбекистан» (рус.). 11.40 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 12.20 «Альба Регия» Бадиий фильм. 13.50 «Замандас». Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари учун программа (қозоқ тилида). 14.30 «Буни ҳам билиш ва уддалаши керак». 15.00 «Кинокўзгудаги ҳаёт».

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш куч». Спорт программаси. 18.20 «Тасвирларда ҳаёт жилоси». 18.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Солдат мактублари» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». 20.20 «Ахборот» информацион программаси. 20.40 Г. Хугаев, Р. Вильданов. «Кўнгли ёш қариялар». Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театрининг спектакли. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Г. Хугаев, Р. Вильданов. «Кўнгли ёш қариялар». Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театрининг спектакли (давоми). 23.25 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Кубачин тўйи». Телефильм. 18.40 «Гунчахон санъат». Болалар учун концерт. 19.05 «Олдинда борувчилар». 19.25 «Новости» информацион программаси. 19.45 Москва. «Мао меросхўрлари». 1-қисм. «Ҳокимият учун кураш». 20.30 «Ахбор» информацион программаси. 20.55 «Армуғони жавони». Ёш ижрочиларнинг телевизион конкурси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Дилкушо» чойхонаси». 22.55 «Бу менинг гўшам». Бадиий фильм. 00.25 Душанба кўрсатувларининг охири.

▲ ВОЛЕЙБОЛ

БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАШДИ

Армия спорт клуби спорт залида уч кун давомида ўсмирлар ва қизлар ўртасида волейбол бўйича СССР зонал биринчилиги мусобақалари бўлди. Ўйинлар жуда кескин вазиятда ўтди. Зона ғолиби бўлган республикамиз қизлари ҳам мағлубият аламини тортиб кўришгани бунга яққол мисолдир. Улар қозоғистонлик дугоналари билан бўлган учрашувда енгилишди. Аммо, ҳал қилувчи учрашувда тожикистонлик тенгдошлари устидан ғалаба қозониб, мусобақа якунида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

АСОСИЙ ВАЗИФА

Шу кунларда «Ёшлик» спорт аренасида ёшлар ўртасида қишлоқ хўжалиги бўйича Ўзбекистон биринчиликлари мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Мусобақани шарҳлаш учун биз Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер, қишлоқ хўжалиги бўйича республика терма командасининг катта тренери ИОСИФ БОРИСОВИЧ МИРКИНга мурожаат қилдик.

— Мусобақа саккиз кун давом этади,— деди у.— Беллашувлар 22 февраль ойида Бокуда бўладиган СССР биринчилигида республикамиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар саралаб олинади. «Меҳнат», «Буревестник», «Спартак» ва «Зенит» кўнгилли спорт жамиятларининг вакиллари қатнашаётган бу мусобақанинг дастлабки натижалари яхши бўлди. Қизлар ва ўсмирлар ўртасида шахсий биринчилик учун бўлган «жанглар»да ёшлар чаққон ва аниқ ҳаракат қилиб, юқори маҳорат кўрсатишди.

Ўсмирлар ўртасида «Меҳнат» жамиятининг вакили, спорт мастери Анатолий Бабрушкин ғолиб чиқди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг моҳир қиличбозлари, спорт мастери Анвар Иброҳимов ва спорт мастерлигига номзод Константин Блюмерлар бўлиб олишди.

Рапирачи қизлар шахсий биринчилигида «Буревестник» жамияти рапирачиларининг қўли баланд келди. Спорт мастери Ирина Васильева, спорт мастерлигига номзодлар Светлана Пенкова ҳамда Ольга Малаховалар совринли ўринни эгалладилар. Улар Бокуда бўладиган СССР биринчилигида республикамиз терма командаси аъзолари сифатида қатнашишлари мумкин. Бунинг учун улар машқни, маҳорат ўрганишни давом эттиришлари даркор.

Республикамизда совет спорти шуҳратини оширишга ҳисса қўшган қиличбозлар оз эмас. Улардан бири жаҳон чемпиони Собир Рўзиевдир. Бу спортчи учун юбилей йили жуда қувончли бўлди. У Софияда бўлган халқаро учрашувларда муваффақиятли қатнашиб, икки марта олтин медаль билан тақдирланди. Шунингдек, у «Киев рапираси» совриниучун ўтказилган мусобақада ҳам ғолиб чиқди. Хулоса қилиб айтганда С. Рўзиев юбилей йилида еттита олтин ва битта бронза медалини қўлга киритди.

Бу йилги асосий вазифаларимиздан бири республикамиздаги маҳоратли қиличбозлар сафини кенгайтириш, халқаро классли спорт мастери С. Рўзиев, спорт мастерлари Виталий Логвин ва Борис Либерманлар ёрдамида ёшларнинг қиличбозлик сирларини мукаммал эгаллашларига шароит яратишдир. Маълумки, бу уч спортчи СССР терма командасининг аъзолари ҳисобланади. Улар 1980 йилда Москвада бўладиган олимпиада ўйинларида мамлакатимиз спорти шарафини ҳимоя қилишади. Ниятимиз ўларнинг сафини тўлдириш. Мусобақалар эса талантли ёшларни саралаб олиш ва тарбиялашга йўл очади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

◆ СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДАН ОЛИНГАН СПОРТ ХАБАРЛАРИ

ЧЕМПИОН БИЛАН ХАЙРЛАШУВ

БЕРЛИН. Жаҳон чемпиони Юрген Гешкени (ГДР) Германия Демократик Республикаси пойтахтининг минглаб аҳолиси олқишлади. У велосипедчилар қишқи мавсуми очилиш кунида Вернер — Зеленбиндер — Халледаги спорт саройининг треки бўйлаб ҳайрлашув фахрий даврасига чиқди. 34 яшар спортчиниг велоспед спорти муҳлислари тренерлик ишига кузатиб қўйишди. Юрген Гешке тўрт ой муқаддам Сан-Кристобалда (Венесуэла) ўтказилган спринтда жаҳон биринчилигини қўлга киритган эди.

РЕКОРДЛАР ЙИЛИ

ХАНОЙ. Вьетнам Социалистик Республикасининг енгил атлетикачилари ва сузувчилари 1977 йилда 13 та миллий рекордни қўлга киритишди (шулардан 10 таси спортнинг олимпия программасига кирган).

Ўтган йил спортнинг бошқа тури вакиллари учун ҳам омадли бўлди. Гаванада дўст армиялар спартакиадасида 9 та кумуш медалга сазовор бўлинди. Ўспиринларнинг футбол бўйича умуммиллий турнири биринчи марта ўтказилди. Бу турнирда Ханой, Хайфон ва Хошимин шаҳарларининг ёш футболчилари биринчиликни олишди. Физкультура мамлакатдаги барча мактаб ва олий ўқув юртларининг ўқув программасига киритилган. Эрталабки гимнастика ва ишлаб чиқариш гимнастикаси ўзига тобора кўпроқ ташкилот ва муассасаларни жалб этмоқда.

ҚИЗҒИН МАВСУМ

БУДАПЕШТ. Олимпия ва Европа чемпионлари — Венгрия ватерполочилар терма командаси учун қизғин мавсум кутилмоқда. Олимпия чемпионлари февраль ойида Москвада ва октябрь ойида Будапештда Совет Иттифоқи терма командаси билан иккитадан ўйин ўтказишади. Океан ортига сафар ҳамда АҚШ, Канада ва Мексика қомандалари билан учрашув ўтказиш март ойига мўжалланган.

Яқинда шаҳримизнинг «Марказ — 5» микрорайонида тўққиз қаватли янги турар жой комплекси қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда ҳовли тўйлар иўтмоқда.

СУРАТДА: янги турар жой биноси. М. Нуриддинов фотоси.

АЖОЙИБ ДУНЁ ЭКАН

ҚУРБАҚАЛАР УЧУН

Америка шаҳарларидан бирида яшовчи Билла Стеднинг визит қоғозида унинг мансаби «Мактаб директори» деб ёзиб қўйилган. Аммо унинг борда жойлашганлиги ҳамда «ўқувчи»лари бақалар эканлиги кўрсатилмаган. Стед Америка шаҳарларида ўтказиладиган бақалар «спорт маросимлари»да қатнашувчи «профессионал» қурбақа «спортчи»лар тайёрлайди. Бақалар мактаби директорининг таъкидлашича, у энг яхши муваффақиятга фақатгина гипноз ёрдамида эришмоқда.

ДЖИНСИМИ ЁКИ ТРИКОТАЖ?..

Ҳамма джинси матодан тикилган кийимлар кийишни ҳоҳлайди. У фақат ёшлар ўртасидагина донг таратиб қолмай, ҳатто болалар ўртасида ҳам машҳурдир. Бу мато шунчалар машҳур бўлиб кетиши сабабли трикотажчилар айнан джинси матосига ўхшаб кетувчи трикотаж полотноларини ишлаб чиқаришга киришдилар.

ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ШУ ПОЛОТНОДАН КИЙИМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЎЗЛАШТИРДИ.

Катталар ва болалар учун бир нечта оригинал янгиликларни тавсия этди.

Ёшлар учун мўлжалланган узун енгли, юмшоқ, иссиқ кўйлак ҳар куни кийиш учун қулай бўлиши билан бирга чиройли ва замонавийдир.

Юбкасининг қуйи қисми кенгайтирилган сарафан қиз болаларнинг қувончидир.



Моделларда матонинг ўнг ва тескари томонлари уйғунлигидан маҳорат билан фойдаланилган.

Джинси полотносидан тикилган буюмлар формасини узоқ вақт сақлайди, яхши ҳаво ўтказади, осон ювилади, ғижимланмайди, гигиена эстетика талабларига монанд келади.

Яқин вақт ичида бу янгиликларни магазинларимиз пештахталарида кўриш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИ ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/I да **Масҳарабозлар**, 14/I да **Севги тумори**, 15/I да **Этик кийган мушук** (12.00), **Бир ажтли балетлар** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/I да **Қиёмат қарз** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/I да **Муқаддас днёр**, 14/I да **Қўзингни каттароқ оч** (19.00), 14/I да **Беш кунлик куёв** (19.00), **Ишқ қурбонлари** (12.00).

КИНО

13 ЯНВАРДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (катта зал), **Зита ва Гита** (кичик зал, кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли, «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», ЛИСУНОВ номли, «НУКУС», «МОСКВА», «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кечқурун).

Йўқолди-ю топилди (18.00), **Фонтан олдидаги учрашув** (20.00): — «ПИОНЕР».

14 ЯНВАРДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (катта зал), **Зита ва Гита** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли, «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», ЛИСУНОВ номли, «НУКУС», «МОСКВА», «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Улкан самовий саргузаштлар (11, 13, 15.00), **Кочубей** (17, 19, 20.40); — «ГУНЧА».

Йўқолди-ю топилди (13, 16, 18.00), **Фонтан олдида учрашамиз** (20.00): — «ПИОНЕР».

«Жилстрой» трестига қарашли «Ташмосстрой» қурилиш бошқармаси қурилиш комитетининг йўқолган ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

14, 15 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ГУЛЛАРИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА, ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, ШАРИФ СУЛТОНОВ

ОИҲОН ЕҚУБОВА, ИЗОМЖОН САДРИЕВ

РАҚҚОС ВА РАҚҚОСАЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

МУЪТАБАР ИУЛДОШЕВА

Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Ражаб ИСМОИЛОВ,

Оригинал жанр — Собир МАҲКАМОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Муҳаммаджон МИРЗАЕВ.

Музика раҳбари — Азиз МУЛЛАХОНОВ.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

◆ СУД ЗАЛИДАН

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАЧ

8-қурилиш трестининг бош механиги Григорий Микеевич Сафаровни янги ҳайдовчи, деб бўлмайди. Унинг ҳужжатларига қаралса, 1950 йилда шофёрлик гувоҳномаси олганлиги маълум бўлади. У маст ҳолда автотранспорт бошқариш, йўл қоидаларида қатъий тақиқлантанлигини ҳам жуда яхши билади. Шунга қарамай қоидани бузди ва 1976 йил 22 сентябрда кайф билан ўзининг ВАЗ—2106 маркали 21—00 ТНН машинасини ҳайдаб кўчага чиқди. Агар Давлат автоинспекцияси ходимлари уни ўз вақтида тўхтатишмаганида қандай ҳодисалар юз бериши номаълум эди. Маъмурий комиссия қарори билан кўча ҳаракати қоидасини бузганлиги учун Г. Сафаровга 30 сўм жарима солинди ва ярим йилгача машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилди...

1977 йилнинг ўрталарида Г. Сафаров янги гувоҳнома олади. Ундаги ёзувлар қуримасданоқ бу ҳайдовчи Давлат автоинспекцияси ходимлари томонидан қайта маст ҳолда машина ҳайдаб кетаётганда ушланади. Маст ҳолда машина ҳайдаш атрофдаги кишилар учун нақадар хавфли эканлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлатуриб, спиртлик ичимликка муккасидан кетган кишиларга нисбатан шаҳримизда кескин кураш олиб борилмоқда. Бу сафар Г. М. Сафаровнинг йўл қоидасини бузганлиги тўғрисидаги материаллар Ленин район халқ судига юборилди. Халқ судининг қарори билан Г. М. Сафаров бир йил муҳлатга озодликдан маҳрум этилди. У бир йил мобайнида ҳукмни ижро эттирувчи органлар томонидан мажбурий хизматга жалб этилади.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

13 ЯНВАРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ, 41-УЙ

Р—07414.

Узбекистон Компартияси Марказий Коми тети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1209.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02.58 гача эълонлар бўлими — 33-81-42.